

QO‘QON DAVLAT
PEDAGOGIKA INSTITUTI
ILMIY XABARLARI
(2025-yil 3-son)



JISMONIY MADANIYAT
PHYSICAL CULTURE

МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ ВА ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

Жохон Ахмедов

*Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва
малакасини ошириш институти Самарқанд филиали доценти*

Аннотация: Мазкур мақолада миллий спорт турларини ижтимоий, педагогик ва тарбиявий аҳамияти, вазифалари ҳамда жамиятдаги тутган ўрни муҳокама этилган ҳамда хулосалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: кураш, белбоғли кураш тарбия, қадрият, миллий ифтихор, ижтимоий аҳамият, восита.

ДУХОВНОЕ И ВОСПИТАТЕЛЬНОЕ ЗНАЧЕНИЕ НАЦИОНАЛЬНЫХ ВИДОВ СПОРТА

Аннотация: В данной статье рассматриваются социально-педагогическое и воспитательное значение, задачи и роль национальных видов спорта в жизни общества и делаются выводы.

Ключевые слова: борьба, воспитание, ценность, национальная гордость, социальная значимость, средства.

SPIRITUAL AND EDUCATIONAL SIGNIFICANCE OF NATIONAL SPORTS

Abstract: This article examines the socio-pedagogical and educational significance, tasks and role of national sports in the life of society and draws conclusions.

Keywords: wrestling, education, value, national pride, social significance, means.

Кириш. Мамлакатда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиб бериш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган ва бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллаштириб боришмоқда.

Ёшларни халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, руҳиятига, тилига, содиқ соғлом, маънавий бой, комил авлод қилиб тарбиялаш бугунги куннинг бош мақсадидир.

Адабиётлар таҳлили. 2024 йил 21 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030» стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга доир давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-37-

сон Фармонида 2024 йилга мўлжалланган жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олган 100 та мақсад ўрин олган. Уларнинг 4 та мақсади бевосита жисмоний тарбия ва спорт билан боғлиқ. Ушбу мақсадларга эришиш учун 9 та вазифа доирасида амалий чоратadbирлар қўйилган: маҳаллалар ва таълим муассасаларида спорт турлари бўйича оммавий спорт мусобақалари қамровини 10 млн. нафарга етказиш; аҳолини спорт турларига жалб қилиш орқали жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар қамровини 26 фоиздан 28 фоизга ошириш; маҳаллаларда 400 та спорт майдончаларини барпо этиш; мавжуд спорт мактабларида аҳоли сони ва ихтисослашувига кўра олимпия спорт турлари бўйича 450 та спорт секцияларини ташкил этиш; разрядли ва унвонли спортчилар сонини 30 минг нафарга етказиш; спорт соҳасида олий маълумотли ходимлар улушини ошириш; спорт соҳасида илмий тадқиқотлар ва изланишларни ошириш; Париж-2024 Олимпия ва Паралимпия ўйинларига 140 та лицензияни қўлга киритиш каби вазифалар орасида Спортнинг миллий турлари, хусусан миллий кураш ва белбоғли курашни аҳоли орасида янада оммалаштириш вазифасини ҳал этиш учун миллий кураш ва белбоғли кураш бўйича умумий ўрта таълим ўқувчилари ўртасида, профессионал таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида, олий таълим муассасалари талабалари ўртасида умуммиллий мусобақаларни ташкил этиш белгиланган.

Мазкур тадбирлар миллий спорт турларимизнинг нуфузини ошириш билан бирга, ёшларга миллий қадриятларимиз ва анъаналаримиз билан яқиндан танишиш имкониятини яратиб беради.

Хусусан, белбоғли кураш 5 минг йиллик тарихга эга бўлиб, юздан ортиқ мамлакатда ўз мавқейига эга. Улар ўзаро беллашув қоидалари бўйича бироз фарқ қиладилар, бироқ бу ҳолат умумий – республика, минтақавий чемпионатларда иштирок этишга тўсқинлик қилмайди. Масалан, Ўзбекистонда белбоғли кураш бўйича ташкил этиладиган жаҳон чемпионатлари ва кубокларида 30 дан ортиқ давлат вакиллари иштирок этади ва ўзбек белбоғли кураши қоидалари бўйича беллашади.

Мухокама. Бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган даврда янги Ўзбекистонни барпо этишимиз, мамлакатимиз ривожланиши барқарорлигини таъминлашимиз, ўз олдимизга қўйган улкан мақсадларимизга эришишимиз учун ҳар қандай салбий зарарли одатларга қарши иммунитет вазифасини бажарувчи ўзбек миллий спорт турларининг тарбиявий аҳамиятини ёшларимиз онгига сингдиришимиз давр талабидир.

Жисмоний машқлар билан шуғулланиш нафақат инсоннинг тана тузилишини ўзгартиради, балки, унинг ахлоқий фазилатларини ҳам бойитади.

Миллий спорт турлари орқали ватанпарварлик, ирода, матонат, интизом, жамоатчилик, дўстлик ва ўртоқлик туйғулари, маданий хулқ-атвор кўникмалари, меҳнатга ва ижтимоий мулкка муносабат туйғулари шаклланади.

Ўзбек миллий спорт турлари ҳамда халқ миллий ўйинлари ўзининг узок ўтмиши, бой тарихига эга бўлган, аجدодлардан авлодларга мерос сифатида ўтиб келаётган, маънавий бойлигимиз, қадриятларимиздан саналади. Мамлакатимиз мустақилликка

эришган дастлабки кунлардан бошлаб, миллий қадриятларимиз, анъана-ю удумларимиз, шу жумладан, халқ ўйинларини қайта тиклашга катта эътибор қаратилди.[3].

Спортнинг анъанавий турлари билан биргаликда миллий спорт турлари ҳамда халқ ўйинлари ҳам тобора ривожланиб бораётир. Биз фахрлансак арзийдиган миллий спорт турлари жуда кўп. Уларнинг орасида кураш, белбоғли кураш, Турон кураши, Ўзбек жанг санъати, кўпқари, човгон, ва камондан ўқ отиш алоҳида эътиборга молик.

Қарийб уч минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек курашини мустақиллик туфайли жаҳон тан олди. Мамлакатимизнинг истиқлолга юз тутиши кўп соҳалар каби миллий курашимизнинг ҳам порлоқ даврини бошлаб берди. Унинг халқаро спорт тури талабларига жавоб берадиган андозалари жорий этилди.

Қадимдан ватанимизда байрам ва мусобақалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ходисалар бўлиб келган. Кўпинча байрам кунлари мусобақалар ўтказилган ва алоҳида ўтказилган мусобақалар ҳам байрамларга айланиб кетган. Ўзбек кураши бугунги кунда дунёга юз тутди, тез суръатлар билан ривожланиб халқаро спорт тизимида ўз ўрнига эга бўлди.[2].

Белбоғли кураш миллий спорт турларимиздан бири ҳисобланади. Бу спорт тури, айниқса, Фарғона водийси ва унга туташ ҳудудларда, Тошкент, Сирдарё вилоятида кенг тарқалган. Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида белбоғли кураш спорти билан ёшларимиз мунтазам шуғулланиб келади. Азал-азалдан сайилларда, тўйларда ва бошқа йиғинларда полвонларимиз кураш тушган. Кураги ерга тегмаган полвонларимиз юртимиз довуғини дунёга танитган.

Белбоғли курашда ажойиб усуллар қўлланилади, мухлисга завқ-шавқ бағишлайди. Белбоғли кураш узоқ тарихга эга, бу кураш усуллари ўзбек полвонларининг майдондаги маҳоратини, матонатини намоён этиб келади.

Белбоғли кураш спорт тури нафақат халқимизнинг минг йиллик анъанаси сифатида, балки, жисмоний бақувватликни таъминлаши, шунингдек, халқимиз ўртасида ҳалоллик, мардлик, жасорат намунаси сифатида оммалашмоқда,

Бир неча йиллар давомида ота-боболаримизнинг жанг санъати техника ва ҳарбий услублар мероси ўрганилиб, бошқа жанг тизимининг энг самарали методлари билан бойитилди ҳамда Ўзбек Жанг Санъати ташкил этилди.

Ўзбек жанг санъати спорти, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбия қилишга ёрдам беради.

Буюк аجدодларимиз ва Ўзбекистоннинг тарихий шахслари исмлари расман ҳимоя ҳужум ва мажмуаларга қўйилган.

Мусобақа давомида, албатта, мамлакатнинг давлат рамзларига катта эътибор берилади. Спортчиларнинг спорт кийимида миллий қадриятлар акс эттирилган.[4].

Турон якка кураши - миллий спорт тури. Туркий халқлар жанг қилиш санъати намунаси сифатида қадимдан машҳур бўлган. Бу турдаги яккама якка курашнинг қонун-

қоидалари, халқаро миқёсдаги курашиш усули Амир Темур даврида такомилга етган. “Турон” якка кураши халқаро миқёсда тан олинмоқда. АҚШ, Германия, Исроил, Нидерландия, Украина, Латвия, Молдавия, Белоруссия ва бошқа мамлакатларда “Турон” якка кураши спорт тўғараклари очилган. [5]

Улоқ, кўпқари – Ўрта Осиё халқларининг қадимий оммавий, миллий ўйинларидан бири. Асосан, ғалаба ва ҳосил байрамлари, тўй ва сайиллар муносабати билан ўтказилган. Ҳукмдор ва ҳар хил амалдорлардан ташқари ўзига тўқ одамлар, ҳатто оддий аҳоли ҳам Улоқ ўйинларини ташкил этган.

Кўпқари мусобақаси ҳар бир иштирокчидан чавандозлик маҳоратидан ташқари жисмоний куч, ўткир зеҳн ва етти ўлчаб бир кесиш салоҳиятига эга бўлишни талаб қилади.

Хулоса. Шундан хулоса қилиш мумкинки, миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари ёшларни соғлом вояга етказиш, уларга таълим-тарбия беришда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, миллий қадрият ва урф-одатларни асраб-авайлашда уларнинг ўрни бекиёс. Уларни ардоқлаган ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат туйғуси қарор топади, миллий рух шаклланиб, халқимизнинг анъана ва урф-одатларини эъзозлаш ҳисси янада кучаяди. Хуллас, миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари ёшларни ўзбекона тарбиялашнинг энг таъсирчан воситаларидан биридир. Бу ўйинлар қанчалик кенг ёйилса, ватанпарвар ёшлар сафи шунчалик кенгайди.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва оммалаштиришни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори .2024 йил 20 декабрь. ПҚ-450-сон.

2. К.Юсупов. Кураш халқаро қоидалари, техникаси ва тактикаси. Тошкент. “Ғофур Ғулом” нашриёти. 2005 йил, 132 бет.

3. Ф.Ахмедов, А.Абдулахатов, О.Хайитов. Кураш Спорт-қадрият-маънавият ва тарбия воситаси. Тошкент. 2020й.

4. Пўлат Усмонов. Т.С. Усмонхўжаев. Ўзбек жанг санъати. Нашриёт: Янги Аср Авлоди. 2011.

5. <http://sport.ziyounet.uz/uzc/kinds/70>